

Ақийда дарслари (137-дарс). Ишларнинг хотимасига қараб яқун ясалади



16:00 / 07.06.2021 4663

Аввалги дарсимиздаги ҳадиснинг давомида нима учун одамлар бир-бирларининг ёки ўзларининг бадбахт ёки некбахтлигини била олмасликлари баён қилинмоқда.

Пайғамбаримиз ҳадиснинг бу қисмини «Ундан бошқа илоҳу маъбуд йўқ Зот билан қасамки», деб бошламоқдалар. Бу эса келажак гапнинг ўта муҳим эканига далолатдир.

«...бирингиз аҳли жаннатнинг амалини қилиб келиб, ўзи билан жаннатнинг орасида бир аршин қолганда, ундан ўша китоб ўзиб кетиб, дўзах аҳлининг амалини қиладида, унга киради».

Одамнинг нима бўлишини ким билар эди? Ҳатто ўша одамнинг ўзи ҳам билмайди. Умр бўйи тоат-ибодатда юриб, охирида шайтоннинг ифвосига учиб, иши расво бўлиши мумкин.

«Албатта, бирингиз дўзах аҳлининг амалини қилиб келиб, ўзи билан дўзах орасида бир аршин қолганида, ундан ўша китоб ўзиб кетиб, аҳли жаннатнинг амалини қилади-да, жаннатга киради».

Бунақаси ҳам бўлиши мумкин. Умр бўйи нима қилиб юрган бўлса-да, охириги пайтда инсонлиги қўзиб, яхши бир амал билан ҳоли батамом ўзгариб қолиши мумкин.

Шунинг учун ҳам ақоид уламолари ушбу ҳадиси шарифни ва шунга ўхшаш бошқа ҳадисларни далил қилиб: «Аҳли қибладан муайян шахснинг жаннатий ёки дўзахий эканлигига қатъий ҳукм қилиб бўлмайди», дейдилар.

Аmmo юқорида зикр қилинган икки ҳолатда ҳам қадарнинг, Аллоҳнинг азалий илмининг мажбурий таъсири йўқ. Китобнинг ўзиб кетиши эса унда ёзилган илмнинг ўта аниқ ва пухта эканини билдиради, холос.

Ушбу ҳадиси шарифда Аллоҳнинг илми шомилу комил, аниғу пухта, ҳамма нарсани қамраб олувчи экани баён қилинди. Бу ҳақиқатни бирма-бир ўрганиб чиқдик. Ҳадиснинг охирида инсон ўз амали асосида ҳукм чиқариб, Аллоҳни унутиб қўймаслиги ёки кўнгли бир оз бўлса ҳам бошқа томонга бурилиши мумкин эмаслиги таъкидланмоқда.

Ҳеч ким «Умрим бўйи яхши амал қилдим, энди албатта жаннатга кираман», деб хотиржам бўлмасин! Ҳатто умрининг охириги лаҳзасида ҳам иш бошқачага айланиб кетиши мумкин. Чунки ҳамма нарса Аллоҳнинг амри билан бўлади.

Ҳеч ким «Мен умрим бўйи гуноҳ қилиб ўтдим, энди албатта дўзахга тушаман», деб ноумид бўлмасин! Ҳатто умрининг охириги лаҳзасида ҳам иш бошқачага айланиб кетиши мумкин. Чунки ҳамма нарса Аллоҳнинг амри билан бўлади.

Ишларнинг хотимасига қараб яқун ясалади. Умрнинг интиҳоси қачонлигини ҳеч ким билмайди. Шунинг учун ҳаётнинг ҳар лаҳзасини умрнинг охири деб билиш керак.

Яхшилик қилиб юрганлар охирги иши ёмонлик бўлиб қолмаслиги учун интилиши керак.

Ёмонлик қилганлар қолган ҳар бир лаҳзани умрнинг охирги лаҳзаси, деб яхшилик қилишга ўтиши керак.

Қазо ва қадарга бўлган иймоннинг фойдаси ҳам шунда! Кишини доимо яхшиликка чорлаб, ёмонликдан қайтариб туришда!

«لَا أَقَمَ لِسْوَةَ عَدُوِّهِ لَوْلَا إِصْرِي بِنِجَاتِنِي، أَمْ هُنَّ عُدُوِّي لَوْلَا إِصْرِي رَمَعَنِي نَبِيٌّ نَبِيٌّ»
«كُلُّ أَمْرٍ نَأْخُذُ بِهِ شَرٌّ أَوْ نَفْعٌ».

Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ҳар бир нарса, ҳатто ожизлик ва ақллилик ҳам қазои қадар билан», дедилар».

Икки шайх ва имом Молик ривоят қилишган.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларининг ушбу ҳадисларида ҳар бир нарса қазои қадар билан бўлишини таъкидламоқдалар. Бунга иймон келтириш мўмин-мусулмон одамнинг Аллоҳга бўлган иймонининг тугал бўлишидир.

Ҳадиснинг охирида кишилар унча эътибор бермайдиган икки нарса – ожизлик ва ақллилик ҳам қазои қадар ила экани айтилмоқда. Албатта, бу нарсалар фитрий, асл табиатда бор нарсалар бўлиб, Аллоҳ таоло ҳар бир инсонни яратиш пайтида ушбу нарсаларни ҳам қўшиб яратади.

Одатда булар инсоннинг дахли йўқ нарсалар ҳисобланади. Аллоҳ кимга ўтқир ақл берса, ақлли бўлади. Аллоҳ бермаса, аксинча бўлади. Шунингдек, ожизлик ҳам.

Фақат инсон ўзига берилган нарсани тўғри ишлатишда масъулдир. Ақли ўтмас одамни: «Нимага ақлингни ўтқир қилиб олмадинг?» деб сўроқ қилинмайди. Аммо «Нима учун ақлингни етганича ишлатмадинг?» дейилиши мумкин.

«Сунний ақийдалар» китоби асосида тайёрланди